

# БАДИЙ МАТН КОГНИТИВ ШАКЛЛАНИШИДА БОГЛОВЧИЛИКНИНГ ГРАММАТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Таджибаев Мусажон Сабирович  
ЧДПУ Филология фанлар доктори (DSc)  
Мансурова Тахмина Тохировна  
ЧДПУ катта укитувчи

**Аннотация:** Алоҳида ўрганилиши зарур бўлган ҳолат шундан иборатки, тилнинг мазмун планига алоқадор тадқикотларда лугат таркибининг турли қатламлари чукур тадқик этилган бўлса - да инглиз тилидаги боғловчи феълларнинг семантикаси ҳозиргача етарли ўрганилмаган ва бу эса ўз навбатида тил фактларининг кўп томонларини тўлақонли тушунишга тўсик бўлмоқда.

**Калит сузлар:** матн ҳажми ҳам ҳар хил шакланади, стилистик таҳлилини матн доирасида когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан, бадий - илмий адабиёт таржимасига бағишиланган ишларнинг ва ўкув қўлланмаларнинг етишмаслиги, жумладан, инглиз ва ўзбек тилларининг специфик хусусиятлар.

**Аннотация:** Дело в том, что необходимо изучать отдельно то, что, хотя в исследованиях, связанных с содержательным планом языка, досконально изучены различные пласти лексики, семантика глаголов-связок в английском языке изучена недостаточно., а это, в свою очередь, является препятствием для полного понимания многих аспектов языковых фактов.

**Ключевые слова:** размер текста формируется по-разному, стилистический анализ внутри текста с точки зрения когнитивной лингвистики, отсутствие работ и учебников, посвященных переводу художественной и научной литературы, в том числе особенности английского и узбекских языков.

**Abstract:** The fact is that it is necessary to study separately that, although various layers of vocabulary have been thoroughly studied in studies related to the content plan of the language, the semantics of linking verbs in English has not been studied enough., and this, in turn, is an obstacle to the full understanding of many aspects. of linguistic facts.

**Key words:** text size is formed differently, stylistic analysis within the text from the point of view of cognitive linguistics, lack of works and textbooks devoted to the translation of fiction and scientific literature, including the features of English and Uzbek languages.

Мустакиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишлар сифатида илм-фан соҳасида олиб борилаётган вазифалар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий, маърифий ва илмий соҳаларда катта ютукларни кўлга киритиши учун замин ҳозирламоқда. Мазкур сиёсатнинг узвий қисми сифатида тилшунослик соҳасидаги ижобий интилишлар ҳакида ҳам айтиб ўтиш жониздир.

Давлат тили сифатида ўзбек тили билан бир каторда жаҳон тиллари ҳисобланган илғор тилларни ўрганиш, уларнинг назарий ва амалий таълими устида қиёсий илмий тадқикотлар олиб бориш тилшунослик борасидаги давлат сиёсатини яна бир поғона юқори савияга кўтариши табиий.

Табиийки, тилнинг бундай улкан функционал потенциал вазифаларни бажариши унинг грамматик қурилиши, лугат таркиби ва услубий қўлланишининг кенгайишига таъсир этмай қолмайди. Ҳар бир соҳа тили маълум маънода ўзига хос дифференциациялашган, бинобарин, ўз анъаналарига ҳам эга ва факт унинг ўзигагина хос бўлган хоссалар, хусусиятларга эга бўла бошлайди. Охир-окибатда бундай тараққиёт ҳар бир соҳанинг ўзига хос анъанавий лексик-грамматик тизимида эга бўлишига олиб келади. Бундай соҳалар

ўзининг лугат таркибига, терминлар базаси ва ўзига хос грамматик структуралар тизимида эга бўлади.<sup>22</sup>

Мазкур маколада мана шу вазифани бажаришдаги уринишлардан бири сифатида тил соҳасидаги ютуклар, уларнинг муаммолари, муаммоларнинг ўрганилиш даражаси, хорижий тилни ўрганиш ва таржима қилишнинг муҳим назарий қирраларини тадқиқ этишга бағишлиланган бўлиб, унда инглиз тилидаги ҳаракатни билдирувчи феъллар синонимик катори, боғловчилар, ёрдамчи феълларнинг ва умуман грамматик ёрдамчиларнинг функционал-семантик, стилистик таҳлилини матн доирасида когнитив тилшунослик нуктаи назаридан амалга ошириш кўзда тутилган.

Алоҳида ўрганилиши зарур бўлган ҳолат шундан иборатки, тилнинг мазмун планига алокадор тадқиқотларда лугат таркибининг турли катламлари чукур тадқиқ этилган бўлса - да инглиз тилидаги боғловчи феълларнинг семантикаси ҳозиргача етарли ўрганилмаган ва бу эса ўз навбатида тил фактларининг кўп томонларини тўлақонли тушунишга тўсик бўлмоқда. Шунинг учун бу муаммоларни тадқиқ этиш ва уларнинг ечимини топиш тилшунослик фанининг ҳозирги кундаги долзарб муаммоси бўлиб турибди.<sup>23</sup>

Маколанинг назарий аҳамияти яна шундаки, кўтарилиган мавзу ва ечимлар тилнинг лугат таркибини когнитив тизим тарзида тадқиқ қилиш мобайнида учраб турадиган айрим ноаникликлар ва муаммоларнинг табиатини тушунишга ва уларнинг ечимини топишга имконият яратади ва бу борадаги бўшлиқни тўлдиради.

Тадқиқотда таҳлил қилинган тил материали, кўлланилган метод, чиқарилган хуносалар ва ишчи гепотеза, филология соҳаси ва таржимонлик курсларидан лексикология, таржима назарияси, назарий грамматика ва амалий курслардан, оғзаки ва ёзма нутқ амалиёти, таржима амалиёти дарсларида фойдали бўлиши билан изохланади ҳамда курс ишлари, битирув-малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари ёзишда ҳам ёрдам бериши мумкин.

Тил – инсоннинг ижтимоий менталитетига мувофиқ шаклланган ментал луғавий имконияти, нутқ эса, мана шу ментал луғавий имкониятнинг кишилар орасида асосий ва кенг муҳим алоқа - аралашув, фикрлашув куроли бўлиб хизмат қиласидан ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлишидир.

Нутқ сўзловчининг тил воситаларидан фойдаланиш жараёни ва шундай жараён натижасида юзага келадиган ҳодиса сифатида муттасил ўзгариб борадики, тил имкониятларининг маълум қисмидан фикрни ифодалаш мақсадида фойдаланилиши билан ҳам боғлик. Инсон нутқи тил унсурлари парадигмаларининг мазмуний уюшмасидан иборат. Демак, нутқ инсоннинг ижтимоий ҳамда руҳий - физиологик фаолияти бўлиши билан бирга, тил материалларининг намоён бўлиши ва кўлланилиши ҳамdir.

Тилшуносликка оид адабиётларда қайд этилганидек, тил ва нутқни қуйидаги ҳолатларда қиёслаб кўрсатиш мумкин:

1. Тил алоқа материали бўлса, нутқ алоқа шаклидир.
2. Тилни ҳалқ яратади, нутқни эса ҳар бир шахс вужудга келтиради.
3. Тилнинг ҳаёти узок, у ҳалқ ҳаёти билан боғлиқдир. Нуткнинг ҳаёти эса қисқа бўлиб, у айтилган пайтдагина мавжуддир.
4. Тил - турғун, статик ҳодиса, нутқ эса ҳаракатда бўлувчи - динамик ҳодисадир.

<sup>22</sup> Абрамов Б.А. Научно-техническая литература как одно из сфер функционирования языковой системы - М., 1973, 183 с.

<sup>23</sup> Аксененко И. Предлоги английского языка - М., 1956, 210 с.

5. Тилнинг ҳажми ноаник, нутқнинг ҳажми эса аниқ: у матн шаклида бўлиши мумкин. Шунга кўра, матн ҳажми ҳам ҳар хил шаклланади: минимал матн (маълумотнома, телеграмма, ариза таржимаи ҳол, қарор, ҳат, ишончнома, тушунтириш ҳати, газета ҳабари, эълон каби), максимал матн (хикоя, қисса, достон, поэма, роман, драматик асар) кабиларда.<sup>24</sup>

Матнлар ўз тузилишига кўра сўз биринчидан, гап, мураккаб синтактик бутунлик, абзац, бўлим, қисм, боб ва банддан ташкил топади. Шу бирликларда шаклланадиган грамматик муносабатлар, ҳусусан, блгловчилик ва боғловчи феълларнинг маъно ва шакл имкониятларини ўрганиш масаласи кўп вактлар давомида инглиз тилшунослигида долзарб бўлиб келди.<sup>25</sup>

Гувоҳи бўлиб турибизки, бир мамлакатда фан ва техника соҳасида эришилган ютуқ ёки килинган илмий каффиёт шу худуд доирасида қолиб кетмай, сарҳадлар оша бошқа бир миллат вакиллари томонидан ўзлаштирилади, ўрганилади. Бунда эса тил ва таржима биринчи даражали восита сифатида майдонга олиб чиқади. Бошқача килиб айтганда ҳар кандай таржима, ҳусусан, инглиз бадиий, илмий адабиёти таржимаси ҳам ахборот алмашинуви, воқеликни англаш ва унга таъсир кўрсатиш заруратини келтириб чиқаради.

Демак, жамият таракқиётининг мазкур палласида биз бир томондан бевосита тилшуносликка, айниқса, таржимашуносликка таянадиган паллада турибиз. Чунки, айнан таржима жараённида, унинг асосида ахборот алмашинуви, ўзаро ҳамкорлик, коммуникация юзага келади ёки ўзбек ҳалқида мавжуд бўлмаган муайян тушунча ном олади.<sup>26</sup>

Демак, масалани бирор бир тарзда ҳал этиш бевосита таржимонга боғлиқ, бўлиб қолади. Айниқса, ҳали тегишли соҳаларда инглизча-ўзбекча илмий лугатлар тузилмаган бир пайтда бу борада таржимоннинг масъулияти янада ошади. Негаки таржималарда ишлатилган термин муайян маънони тўғри ифодалай олса, бу биргина таржимоннинг эмас, балки бутун бир терминологик системанинг ҳам ютуғи бўлиб чиқади. Борди-ю, таржимада кўлланган термин тушунчани нотўғри ифодаласа ва у ўзбек тилининг грамматик қонунлари асосида ёритилмаган бўлса, бу - терминни истеъмол қилувчилар фаолиятига тўсиқ бўлади.<sup>27</sup> Масалан, асримизнинг бошларида бирикма терминларнинг аниқловчи қисмини ясаш учун ишлатила бошланган, ҳаракат номини ясовчи -лаш (-лаштириш) суффикси ўзини оқлай олмай қолди. Бу аниқ ҳатони ҳозирги кунда тузатишга уриниш, эътиrozларга сабаб бўлади: шу шакл ўзбек тилига сингиб кетган, уни тузатишга уринишларнинг ҳожати бормикан, ўзи ишлатилавергани маъкул эмасми каби саволларнинг туғилишига олиб келди.

Ўзбек тилида чиқаётган таржима асарлар ва оригинал адабиётларда бундай терминларнинг аксарияти ўз ифодасини топмоқда. Бирок, бу манбаларда инглизча ва русча илмий терминлар шунчалик хилма хил ва турли-туман усуслар билан ифода

<sup>24</sup> Аполова М.А. Specific English - М., Меж.отн., 1977, 190 с.

<sup>25</sup> Будагов Р. А. Человек и его язык. М. 1974.

<sup>26</sup> Буранов Ж., Кошимов Ў. Иматуллаев Х. Инглиз тили грамматикаси.

<sup>27</sup> Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1983. – 267 с.

қилинадики, натижада ўзбек тилининг илмий терминалогиясида синонимия, полисемия, омонимия каби лексик семантик ҳодисалар жуда ҳам кенг илдиз отиб кетди; терминларни исталган шаклда ёзиш авж олди.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳаза ва ҳолатлар танланган йўналишининг муҳимлигини ва ишимизнинг умумий тавсифини муайян даражада белгилайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абрамов Б.А. Научно-техническая литература как одно из сфер функционирования языковой системы - М., 1973, 183 с.
2. Аксененко И. Предлоги английского языка - М., 1956, 210 с.
3. Аполова М.А. Specific English - М., Меж.отн., 1977, 190 с.
4. Будагов Р. А. Человек и его язык. М. 1974.
5. Буронов Ж., Хошимов Ў. Исматуллаев Х. Инглиз тили грамматикаси.
6. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1983. – 267 с.